Chet el investitsiyasi ishtirokidagi
“BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI” Aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши

Б А Ё Н Н О М А С И

Умумий йиғилиш ўтказилган жой – Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х.Байқаро кўчаси, 91-уй

Умумий йиғилиш ўтказилган санаси – 28 февраль 2019 йил

Умумий йиғилиш бошланган вақти - соат 10:00 да

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони - 42 000 000

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони – 39 031 860

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар (уларнинг вакили) сони – 14

Умумий йиғилиш кворуми - 92,93 фоиз

Жамият Кузатув кенгашининг Раиси М.Махмудов сўзга чиқиб, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларни қутлади ва қатнашиларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни Санок комиссиясининг Раиси О.Қодировга берди.

Санок комиссияси маълумотига кўра Умумий йиғилишда иштирок этган **14** акциядорлар (уларнинг вакили) эга бўлган овозларнинг сони – **39 031 860**. Умумий йиғилиш кворуми **92,93** фоиз ташкил қилди.

Сўнгра Кузатув кенгаши Раиси М.Махмудов **йиғилишни очик деб эълон килди** ҳамда **овоз бериш тартибини куйидагича этиб белгиланиши** буйича таклиф сўради:

ишчи органи (Президиум, йиғилиш раиси ва котиби) сайлашини ва йиғилиш регламентини масалалар бўйича – карорлар очиқ овозда қабул қилинади;

йиғилиш кун тартибидаги масалалар буйича – қарорлар бюллетенлар орқали қабул қилинади;

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масала бўйича – қарорлар кумулятив овоз бериш орқали қабул қилинади.

Юқоридаги таклифлар овозга қўйилди.

Бир овоздан қабул қилинди.

Шундан сўнг М.Махмудов акциядорлар йигилишни олиб бориш учун йиғилиш ишчи органи – **Президиум, йиғилиш раиси ва котибини** сайлаш зарур эканлигини айтиб утди ва йиғилиш раиси М.Махмудов қўйидаги номзодларни йиғилиш раёсатига киритишни таклиф этди:

Махмудов Мурабит Адилханович – жамият Кузатув кенгаши Раиси

Миралиев Алишер Эркинович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи ўринбосари

Самигов Хабибулла Абдуллаевич – жамият Бошкарув Раиси

Жамият Кузатув кенгаши раиси Мурабит Адилханович Махмудов мазкур акциядорларнинг Умумий йигилиши раиси этиб ҳамда жамият қимматли коғозлар маслаҳатчиси Улугбек Абдулаевич Муллоджанов акциядорларнинг Умумий йиғилиши котиби этиб белгилашни таклиф киритилди.

Юқоридаги таклиф овозга қўйилди.

Бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси М.Махмудов, мазкур **акциядорларнинг Умумий йиғилишининг регламентини** қуйидагича тасдиқлашни таклиф этди:

кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш, кун тартибига мувофик амалга оширилади;

йиғилишни самарали олиб бориш мақсадида маърузачилар ўзбек тилида маъруза қилишади (агар керак бўлса бошка тилга таржима қилинади) сўзга чиқувчилар хоҳлаган тилда гапиришлари мумкин;

маърузанинг давомийлиги – 5 минутгача;

маъруза тугагандан сўнг, муҳокамалар – 5 минутгача;

саволлар ва таклифлар аник ва кисқа бўлиши лозим;

ҳар бир кун тартибидаги масала юзасидан овоз бериш, ушбу кун тартиби бўйича муҳокама тугаганидан сўнг бюллетенни тўлдириш орқали амалга оширилади;

саволлар ёзма шаклда йиғилиш котибга берилади.

Юқоридаги таклиф овозга қўйилди.

Бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Санок комиссия раиси О.Қодиров Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқукларининг акциядорлар ва уларнинг вакиллари томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини ва овоз бериш бюллетенларини қандай тўлдириш лозимлигини тушунтирди.

Умумий йиғилиш қатнашчилар кун тартибидаги масалалар бўйича муҳокамасига ўтишди.

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
2. Жамият Тафтиш комиссияси аьзоларини қайта сайлаш.
3. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиклаш.

Кун тартибидаги биринчи масала жамият Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш юзасидан йиғилиш раиси М.Махмудов сўзга чиқиб, жамият устав фондидаги 51 фоиз давлат улуши бўйича Давлат активларини бошкариш агентлиги томонидан ва 34,7 фоиз акцияларига эга "FRUIT INDUSTRIALS S.A." Компанияси томонидан сайлов бўйича овоз бериш учун Кузатув кенгаши аъзолигига қўйидаги номзодлар кўрсатилган ва жамият Кузатув кенгаши қарори билан номзодлар рўйхатига киритилганлиги айтиб ўтди. Жумладан:

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан:

1	Жўраев Нодир Савриддинович	-	Давлат активларини бошқариш агентлиги директори
2	Миралиев Алишер Эркинович	-	Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи ўринбосари
3	Ашуров Зуфаржон Рухиллоевич	-	Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиги
4	Қурбонов Абдуғаффор Меллиевич	-	Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиги

Жамиятнинг 34,7 фоиз акцияларига эга "FRUIT INDUSTRIALS S.A." Компанияси томонидан:

1	Махмудов Мурабит Адилханович	-	ЧЭИИ "Toshkentvino kombinati" АЖ Бош директори
2	Саматова Муппазал Адилхановна	-	вақтинча ишламайди
3	Давыдкин Михаил Викторович	-	"MEGA TRADE COMUNICATION" МЧЖ ҚҚ директори

Шундан сўнг, юқорида айтиб ўтилган номзодларни сайлаш таклифини киритди. Сайлаш учун овоз бериш тартиби кумулятив овоз бериш тартиби бўйича амалга оширилишини эслатиб ўтди.

Ушбу кун тартибидаги масала юзасидан қўшимча савол ва таклифлар тушмади.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича овозга қўйди ва ушбу масала бўйича бюллетенни тўлдириш орқали кумулятив овоз беришларини сўради.

Овоз бериш якунлари:

1	Жўраев Нодир Савриддинович	– 40 522 860 та кумулятив овоз
2	Миралиев Алишер Эркинович	– 40 522 860 та кумулятив овоз
3	Ашуров Зуфаржон Рухиллоевич	– 40 522 860 та кумулятив овоз
4	Қурбонов Абдуғаффор Меллиевич	– 40 522 860 та кумулятив овоз
5	Махмудов Мурабит Адилханович	– 37 043 860 та кумулятив овоз
6	Саматова Муппазал Адилхановна	– 37 043 860 та кумулятив овоз
7	Давыдкин Михаил Викторович	– 37 043 860 та кумулятив овоз

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Умумий йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига Нодир Савриддинович Жўраев, Алишер Эркинович Миралиев, Зуфаржон Рухиллоевич Ашуров, Абдуғаффор Меллиевич Қурбонов, Мурабит Адилханович Махмудов, Муппазал Адилхановна Саматова ва Михаил Викторович Давыдкин сайлансин.

Юқоридаги шахсларнинг жамият Кузатув кенгаши аъзолигига сайланганлиги муносабати билан акциядорларнинг 2018 йил 27 июндаги Умумий йиғилишда сайланган жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатилган хисобланади.

Кун тартибидаги иккинчи масала жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш юзасидан йиғилиш раиси М.Махмудов сўзга чиқиб, жамият устав фондидаги 51 фоиз давлат улуши бўйича Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан ва 34,7 фоиз акцияларига эга "FRUIT INDUSTRIALS S.A." Компанияси томонидан сайлов бўйича овоз бериш учун Тафтиш комиссияси аъзолигига қўйидаги номзодлар кўрсатилган ва жамият Кузатув кенгаши қарори билан номзодлар рўйхатига киритилганлиги айтиб ўтди. Жумладан:

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан:

1	Мухамадиев Ўктам	-	Давлат активларини бошқариш маркази бўлим бошлиғи
2	Нарзуллаев Равшан	-	Давлат рақобат қўмитаси етакчи мутахассиси
3	Матякубов Арифжан	-	Давлат активларини бошқариш маркази бўлим бошлиғи ўринбосари

Жамиятнинг 34,7 фоиз акцияларига эга "FRUIT INDUSTRIALS S.A." Компанияси томонидан:

1	Ниязметов Икрамбай Абдуллаевич	-	ЧЭИИ "Toshkentvino kombinati" АЖ молия масалалари бўйича директори

Шундан сўнг, юқорида айтиб ўтилган номзодларни сайлаш таклифини киритди.

Ушбу кун тартибидаги масала юзасидан қўшимча савол ва таклифлар тушмади.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича овозга қўйди ва ушбу масала бўйича бюллетенни тўлдириш орқали овоз беришларини сўради.

Овоз бериш якунлари:

Мухамадиев Ўктам "ёқлаб" – 21 420 000 овоз, 54,88 фоиз, "қарши" – йўқ, 0 фоиз, "бетараф" – 17 611 860 овоз, 45,12 фоиз.

Нарзуллаев Равшан "ёқлаб" – йўқ, "карши" – йўқ, "бетараф" – 17 611 860 овоз, 100 фоиз.

Матякубов Арифжан "ёқлаб" – 21 420 000 овоз, 54,88 фоиз, "қарши" – йўқ, 0 фоиз, "бетараф" – 17 611 860 овоз, 45,12 фоиз.

Ниязметов Икрамбай Абдуллаевич "ёқлаб" – 17 611 860 овоз, 100 фоиз, "қарши" – йўқ, "бетараф" – йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Умумий йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига Ўктам Мухамадиев, Арифжан Матякубов ва Икрамбай Абдуллаевич Ниязметов сайлансин.

Юқоридаги шахсларнинг жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига сайланганлиги муносабати билан акциядорларнинг 2018 йил 27 июндаги

Умумий йиғилишда сайланган жамият Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатилган ҳисобланади.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамият Молия директори Ш.Сраджидинов сўзга чиқиб, янги таҳридаги Уставини тасдиқлаш Кузатув кенгаши таклифи ва Устав лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди. Шу жумладан, маърузачи қўйидагиларни таъкидлади:

Жамият Кузатув кенгаши 2019 йил 22 ноябрдаги қарори асосан жамият ўз капитали ҳисобидан жамият 3,5 млрд. сўм миқдоридан 21 млрд. сўм миқдоргача устав фондини кўпайтириш мақсадида тегишли чора-табирлар амалга оширилди. Хусусан, 2019 йил 20 декабрда 17,5 млрд. сўмлик қўшимча акциялар чиқарилиб, 2019 йил 16 январь куни жамият акциядорлар ўртасида тўлиқ жойлаштирилди. Жойлаштириш натижасида акцияларни рўйхатга олувчи давлат органига билдиришнома тақдим этилди ҳамда жамиятнинг янги таҳридаги Устави лойиҳаси тайёрланди.

Жамият Кузатув кенгаши 2019 йил 16 февралдаги қарори билан Устав лойиҳаси маъқуллаб, мазкур навбатдан ташқари Умумий йиғилишига тасдиқлаш таклифи киритилди.

Амалдаги Уставининг 4.2. ва 5.1.1. бандлари Уставнинг лойиҳасида янги таҳрирда ишлаб чиқилган ҳамда 5.1.2. банди чиқариб ташланган. 5.1.2. банди чиқарилганлиги боис 5.1.3.-5.1.9. бандлар тегишинча 5.1.2.-5.1.8. бандлар деб ҳисобланган.

4.2. банди амалдаги таҳрирда: Жамият Устав фонди 3 500 000 000 (уч миллиард беш юз миллион) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 500 (беш юз) сўм бўлган 7 000 000 (етти миллион) дона оддий акциядорлар олган акцияларга (жойлаштирилган акцияларга) бўлинган.

4.2. банди янги таҳрирда: Жамият Устав фонди 21 000 000 000 (йигирма бир миллиард) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 500 (беш юз) сўм бўлган 42 000 000 (қирқ икки миллион) дона оддий акциядорлар олган акцияларга (жойлаштирилган акцияларга) бўлинган.

5.1.1. банди амалдаги таҳрирда: Жамият томонидан номинал қиймати 500 (беш юз) сўмдан бўлган 3 500 000 000 (уч миллиард беш юз миллион) сўмлик 7 000 000 (етти миллион) дона оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

5.1.1. банди янги таҳрирда: Жамият томонидан номинал қиймати 500 (беш юз) сўмдан бўлган 21 000 000 000 (йигирма бир миллиард) сўмлик 42 000 000 (қирқ икки миллион) дона оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

Қўйидаги 5.1.2. банди чиқариб ташланган: Жамият устав фондини кўпайтириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда номинал қиймати 500 (беш юз) сўм бўлган 35 000 000 (ўттиз беш миллион) дона оддий акцияларни (эълон қилинган акциялар) жойлаштириш ҳуқуқига эгадир.

Эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида чиқарилаётган оддий акциялар жамият барча акциядорлари ўртасида ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Бунда ҳар бир акциядорга унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

5.1.2. банди чиқарилганлиги боис 5.1.3.-5.1.9. бандлар тегишинча 5.1.2.-5.1.8. бандлар деб ҳисобланган.

Ушбу кун тартибидаги масала юзасидан қўшимча савол ва таклифлар тушмади.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш таклифини овозга қўйди ва ушбу масала бўйича бюллетенни тўлдириш орқали овоз беришларини сўради.

Овоз бериш якунлари:

"ёқлаб" – 39 031 860 овоз, 100 фоиз, "қарши" – йўқ, 0 фоиз, "бетараф" – йўқ, 0 фоиз.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Умумий йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Жамият янги таҳрирдаги Уставини иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Жамият Устави янги таҳрири давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш жамият Бошқарув Раиси Х.А. Самигов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси М.Маҳмудов сўзга чиқиб, мазкур акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилганлигини ва тарқатилган бюллетенларни тўлдирган ҳолда Санок комиссиясига тақдим этилишларини сўради.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 73-моддасига асосан икки нусхада ўзбек тилида тузилди ва йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланди.

Баённома тузилган сана – 05 март 2019 йил.

Йиғилиш раиси **М.А. Махмудов**

Йиғилиш котиби **У.А. Муллоджанов**

ТАФТИШ КОМИССИЯСИГА САЙЛАНГАН ШАХСНИНГ ЯШАШ ЖОЙИ КЎРСАТИЛГАН ҲОЛДА ПАСПОРТ МАЪЛУМОТЛАРИ:

Мухамадиев Ўктам
Пасп.маълумотлари: AA4948780 05.04.2014 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ИИБ томонидан берилган
Яшаш жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани

Матякубов Арифжан
Пасп.маълумотлари: AC 1173755 03.10.2018 йилда Тошкент шаҳар Мирзо-Улуғбек тумани ИИБ томонидан берилган
Яшаш жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани

Ниязметов Икрамбай Абдуллаевич
Пасп.маълумотлари: AA 5711774 11.06.2014 йилда Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ИИБ томонидан берилган
Яшаш жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани